# ПАРТИЯНИНГ ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШУВИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Биринчидан, гўё Совет Иттифоқи бутун дунёни забт этиб олиш билан таҳлика солмоқда, ҳарбий устунликка интилмоқда, бутун Ғарбий Европани оккупация қилиб олмоқчи, деб даъво қилмоқдалар. Гўё Совет Иттифоқи Африкага, Осиёга «Панжа урмоқчи» деган гапларни айтмоқдалар. Улар Совет Иттифоқи образини, ўз иборалари билан айтганда, «Рус айиғи», «Рус агрессори» тарзида тасвирладилар. Мен сизларга қараб туриб: наҳотки биз ҳаммамиз, мен ҳам, сизлар ҳам, мамлакатимиздаги нарсаларнинг ҳаммасини барпо этган барча авлодларимиз мана шундай таассурот қолдираётган бўлсак? — деб ўйлаяпман. Биз ўз мамлакатимиз билан фахрланамиз. Биз қанчадан-қанча куч сарфладик ва қанчадан-қанча кишиларимиздан жудо бўлдик. Наҳотки биз бошқа халқларга нисбатан мана шундай маккорона режаларни тузаётган бўлсак? Бир вақтлар биз Раиса Максимовна билан Достоевский асарларини ўқиган эдик. Эҳтимол, русларнинг қалби — энди қардошлик ва бирлик учун жуда очиқ, деб ёзган эди у. Энди совет халқи ҳақида шу гапни айтиш мумкин.

Биз ўзимизнинг ташқи тинчлик сиёсатимиз билан одамларни Ер юзидаги ҳаётни сақлаб қолиш билан бирга, ядро урушига йўл қўймаслик, атроф-муҳитни ҳам сақлаб қолиш учун бирлашишга таклиф қиляпмиз.

Дунё ўз муаммоларини ҳал қилиш учун ресурсларга эгадир. Айтишларича, қуролланиш пойгасига ҳар йили 400 миллиард, эҳтимолки, ҳатто 500—600 миллиард доллар сарфланмоқда. Ҳолбуки, одамларнинг биринчи галдаги эҳтиёжларини қондириш учун 100 ёки 200 миллиард доллар кифоя. Мавжуд маблағлардан фойдаланилса бир йилда шунча иш қилиш мумкин.

Ё бўлмаса: Совет Иттифоқи гўё ҳар қандай контролга қарши, у билан битим тузиб бўлмайди, у битимларга риоя қилмайди, деган гапларни айтган эдилар. Биз бу уйдирмаларнинг ҳаммасини фош қилганлигимизни кўриб турибсизлар. Биз ҳамма соҳаларда шундай сиёсатни таклиф қилдикки, бу сиёсат тинчликсевар бўлганлиги учун у билан баҳс юритиш қийин. Энди одамлар Совет Иттифоқи пропаганда билан шуғулланмоқда, у урушга интилмоқда, деган гапларга ишонқирамай қолдилар. Чет элликлар юртимизга қанчалик кўп келиб, совет кишиларимиз билан мулоқотда бўлсалар, уларнинг саховатли, тинчликсевар, меҳмондўст, содда, қалби очиқ эканлигига шунчалик кўп ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бизнинг бир профессоримиз, филология фанлари доктори АҚШнинг 22 та университетида лекция ўқиб қайтиб келди. Унга америкалик олимлар, америкалик зиёлиларнинг намояндалари Россия маънавийликнинг сўнгги макони, маскани бўлиб қолаётганлиги тўғрисида гапиришди. Умуман бизнинг мамлакатимиз қандайлигини, биз қандай халқ эканлигимизни, биз нималарни ўйлаб, нималарни орзу қилаётганимизни, нималарга интилаётганимизни одамлар тушуна бошладилар. Мана шуларни биз ташқи сиёсатимизда мужассамлаштиряпмиз. Бу — жуда кучли жиҳатдир.

Аммо энг илғор ташқи сиёсат мустаҳкам базага таяниши керак. Бу база юз ўгириб бўлмайдиган реалликлардир. Қудратли экономика, жипслашган халқ, мустаҳкам мудофаа мана шундай реалликлардир. Мана шуларнинг ҳаммаси сиз билан бизнинг қўлимизда.

Милитарист доираларнинг намояндалари билан бир битимга келиш қийин. Аммо Америка халқи, бошқа ҳамма халқлар ҳам тинчликдан манфаатдордирлар. Биз шунга асосланиб иш тутяпмиз ва одамлар тинчликни сақлаб қолиш кераклигини тушуниб оладилар, деб умид қиламиз.

**Овоз:** Михаил Сергеевич, экономикани қайта қуриш соҳасида жуда кўп иш қилинмоқда, бироқ ,одамларнинг онгини қайта қуриш орқада қолмоқда. Ҳатто моддий жиҳат, онгли жиҳатдан илдамроқ бормоқда, демоқдалар. Икки ўртада тафовут пайдо бўлиб қолмайдими? Шу тафовутни тугатиш учун ҳозир нималар қилинмоқда?

**М. С. Горбачев:** Ҳа, тафовут пайдо бўлди. Биз тафаккур орқали ҳамма ишни амалга оширишни истаймиз. Хўш, тафаккурнинг ўзи нима? Ҳозир ҳамма муаммолар ошкора ва бутун халқ ўртасида муҳокама қилиниши керак. Биз шундай қилаяпмизми?

**Овозлар:** Қиляпмиз.

**М. С. Горбачев:** Биз тартиб ва интизомни мустаҳкамлаяпмиз. Бу одамларнинг онгида бурилиш ясаяптими? Ясаяпти.

Биз одамларни янгича ёндашувларга, бошқача усулларни ўзлаштириб олишга таклиф қилаяпмиз. Гарчи даъватлар, китоблар ва шиорлар ҳам зарур бўлса-да, буларнинг ҳаммаси онгни ўзгартира олмаслигини назарда тутинглар. Мана шулар ҳақида ёзиш ҳам керак. Одам ўз позициясини, онгини, муносабатини кураш жараёнида ўзгартиради. Шу сабабли биз ҳамма жабҳаларда — иқтисодий, социал, маънавий, сиёсий соҳаларда курашни авж олдиряпмиз. Шу жараёнларнинг ҳаммасини авж олдирар эканмиз, тафаккур ўзгариб боради, ёндашув усуллари ўзгариб боради, одамларнинг принципиаллиги мустаҳкамланади, деб умид қиламиз.

Апрель Пленумидан кейин ҳамма одамлар муаммолар ҳақида гапира бошлашди. Аммо — ҳали кўрамиз, деб ўйлаганлар ҳам бўлди. Ҳозир халқ сизга ўхшаб кўпгина масалаларни түппа-тўғри ўртага қўймоқда. Бинобарин, мен одамларнинг активлиги ошган сайин уларнинг тафаккурида қайта қуриш ҳам рўй беришига ишонаман. Шундагина вазифаларимизни ҳал этиш мумкин.

**Овоз:** Биз чет эллар билан жуда мулойим гаплашаётганимиз йўқми?

**М. С. Горбачев:** Бизнинг принципимиз шундай: қатъий сиёсат ўтказиш, мен айтиб ўтган принципларни ҳимоя қилиш, аммо ишни амалий руҳда олиб бориш керак. Сабот-матонат кўрсатиш керак. Сабот-матонат — мулойимлик эмас. Улар жазавага тушаверсинлар. Совет—Америка муносабатларида бошланай деб турган илиқликни барбод қилиш учун, бир вақтлар Пауэрсни учирганларидек, ҳар хил найрангларни ўйлаб топмоқдалар. Сўнгра жаҳон аҳли кескинликни юмшатишга қайтиш кераклигини ўйлаб турган пайтда, Корея самолётини учирдилар. Энди қўлидан ушлаб олинган жосус «Данилофф иши»ни кўтариб чиқдилар. У кўп жойларда, шу жумладан, сизларга яқин жойларда ҳам шундай ишлар билан шуғулланган. Улар мана шу жосуслик ишидан фойдаланиб, Совет—Америка муносабатларини яна бузмоқчи ва Совет Иттифоқининг сиёсатига нисбатан шубҳа-гумон уруғларини сочмоқчи, одамларимиз ҳақида Америка халқида эндигина вужудга кела бошлаган тасаввурни бузмоқчи бўлмоқдалар.

Хўш, биз асабийлашишимиз керакми? Йўқ, асабийлашмаймиз. Биз иғвога учмаймиз. Сизлар Совет Иттифоқи кучли бўлишини ва тинчликсеварлик сиёсатини қатъият билан ўтказишни хоҳлаётганингизни тушуниб турибман. Бу — тўғри хоҳиш.

**Овоз:** Михаил Сергеевич, Кубань бўйлаб қилган сафарингиздан қандай таассурот олдингиз?

**М. С. Горбачев:** Мен Кубанни азалдан биламан...

Кубань, барча меҳнаткашлар, партия ташкилоти анчагина жиддий даврдан ўтдилар. Бу гап аввало маънавий муҳитга ва тартибга таалуқли. Краснодар партия ташкилоти яхши ишлаяпти, деб ҳисоблайман. Яхши тартиб ўрнатилмоқда. Буни одамлар қўллаб-қувватламоқдалар, кеча бу ҳақда кўп гапирилди. Энди Кубаннинг муҳити тоза бўлиб қолди. Менимча, энг муҳими мана шу.

**Овоз:** Юртимиз шунча йилдан бери тинч бўлиб келаётганлиги учун ҳукуматимизга катта раҳмат, бу — жуда муҳим иш. Медиклар номидан шуни айтмоқчиманки, соғлиқни сақлашга кўпроқ эътибор берилишини ва меҳнатга яраша ҳақ тўланишини истаймиз.

**М. С. Горбачев:** Мен сизга шуни айтмоқчиман, сиз жуда катта масалани кўтардингиз. Медицина хизмати— халқ саломатлиги демакдир, халқнинг соғлиғи эса энг катта бойлигимиз. Ҳозир биз соғлиқни сақлаш системамизни ривожлантириш тўғрисида, унинг базасини ривожлантириш ҳақида кўп йилларга мўлжалланган катта қарор тайёрлаяпмиз. Медикларнинг меҳнатини рағбатлантиришни яхшилаш чора-тадбирлари тайёрланяпти.

Соғлиқни сақлаш ва маориф — муҳим соҳалар, деб ҳисоблаймиз. Бу соҳаларни ривожлантирмай туриб, жамият нормал яшай олмайди ва келажак ҳақида ўйлай олмайди. Мактабдан кейин биз бутун соғлиқни сақлаш системамизни жиддий такомиллаштиришга киришамиз.

**Овоз:** Фан-техника тараққиёти инженерларнинг ролини кўтаришни талаб қилади. Бу масала қандай ҳал этилмоқда?

**М. С. Горбачев:** Биз бу хусусда яхши қарор қабул қилдик. Бироқ, чамаси, баъзи жойларда бу қарорнинг амалга оширилиши пайсалга солинаётганга ўхшайди. Биз ишлаш юритиш кетган Ленинград тажрибаси асосида қабул қилган ҳамма чора-тадбирларимиз инженер-техник ходимлар 5—7 сўмдан қўшимча ҳақ оладиган қилиб амалга оширилганини аниқладик. Бизнинг ўйлаганимиз — бу эмас.

Биз инженер меҳнатининг обрў-эътиборини кўтариш учун ҳамма ишни қилаверамиз. Бизда маълумот жиҳатидан инженерлар кўп, аммо фикри ва иш натижалари жиҳатидан озроқ. Шу боисдан ҳам инженер ҳозир кўпроқ самара бераётган жойларда унинг меҳнатини рағбатлантириш керак. Тасодифан инженерлар орасига тушиб қолган кишилар эса, эҳтимол ўйлаб кўриб, бошқа иш билан шуғулланганлари маъқулроқ. Ихтиёримиздаги ҳамма нарсани истеъдодли, ишчан инженерларга берайлик. Биз бирон бир қарорни ишлаб чиқаётганимизда одамлар билан, мутахассислар билан маслаҳатлашамиз, бутун мамлакатда муҳокама қиламиз. Кабинетларда кўп қарорларни босиб чиқариш мумкин, аммо уларнинг нафи кам бўлади. Бу ўринда бирон бир камчиликка йўл қўйганга ўхшаймиз.

**Овоз:** Мен юристман. Ҳамма соҳада — маънавий, моддий соҳаларда юридик хизматнинг обрў-эътиборини кўтариш керак. Бу соҳада ҳозирча ўзгариш сезилмаяпти.

**М. С. Горбачев:** Сиз жуда тўғри айтдингиз. Умуман биз қонунларга мувофиқ яшашимиз ва ишлашимиз керак. Агар шундай бўлса, адолат ҳам, тартиб ҳам жойига тушади. Ҳозир бизда қонунбузарлар, қонунни четлаб ўтиш ҳоллари жуда кўп. Ҳозир биз юридик фанни ривожлантириш тўғрисида, кадрлар тайёрлаш ҳақида, меҳнаткашларга ҳуқуқ маълумотини бериш тўғрисида қарор қабул қиляпмиз. Бу — жуда муҳим масала. Социалистик қонунчилик тантана қилиши керакда, ахир. Шу билан бирга ҳамма учун битта қонун, ҳамма учун битта интизом, ҳамма учун битта ахлоқ бўлиши керак. Бироқ ҳамма учун социалистик ахлоқни тавсия қилиб, ўзи учун сохта ахлоқни танлаб олаётган шахслар ҳали барҳам топгани йўқ. Бунақаси кетмайди. Буни бутун мамлакат олдида очиқ-ойдин айтиш керак.

**Овоз:** Ҳозир қурилишни, айниқса қишлоқ қурилишини бошқариш қайта қурилмоқда. Аммо бу иш чўзилиб кетмадими? Ярим йилдан кўпроқ вақтдан бери нормал ишлай олмаяпмиз. Гоҳ бошқарувнинг бир структураси, гоҳ иккинчиси ташкил этилмоқда. Айтишларича, ҳозир учинчиси ташкил этилар эмиш.

**М. С. Горбачев:** Йўқ, энди масалалар ҳал этиб бўлинди. Муҳокама қилинган пайтда, эҳтимол, учта эмас, балки ўнта вариант бўлгандир. Аммо капитал қурилиш — экономикамизнинг энг мураккаб тармоғи. Уни шу пайтгача бўлган ҳолатда қолдириш ярамайди. Нега? Биринчидан, агар биз бу тармоқни самарали қилмасак, халқ хўжалигини самарали қила олмаймиз. Нималар бўлаётганига бир назар ташланг. Лойиҳалаш пайтида эски лойиҳалар асос қилиб олинмоқда ва техника соҳасидаги қолоқлик давом эттирилмоқда. Кейин бу лойиҳалар норматив муддатларда белгиланганидек, 3—3,5 йилда эмас, балки 6—9 йилда амалга оширилмоқда. Эскирган тарзда лойиҳалаштирилган нарса қурилиш давомида бундан ҳам эскириб қолмоқда. Ниҳоят куч ва воситаларнинг тарқоқлигини олиб кўринг. Шуларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб катта-катта маблағларнинг ҳаракатсиз ётиб қолишига олиб бормоқда. Шу сабабли бу жараённинг ҳаммаси — лойиҳалаш ҳам, ишлаб чиқариш фаолияти ҳам битта қўлга — қурилиш комитетларига топширилмоқда. Бошқарув структураси соддалашади. Бундан ташқари, янги структура параллел бўғинларнинг, кераксиз базаларнинг тугатилишига олиб боради, деб умид қиламиз.

Сўнгги вариантни биз энг мақбул вариант, деб ҳисоблаймиз. Бу вариант ҳамма республикаларда, неча ўнлаб обкомларда, қурилишда, фан аҳиллари ўртасида муҳокама қилинган. Уни ҳамма қўллаб-қувватлади. Мана шу сўнгги вариант амалга оширилади. Шу ишни бошқарадиган қурувчилар аппарати ҳам қаппайиб, бесўнақай бўлиб кетди, сансалорлик кўп, деб ўйлаймиз. Ўртоқлар бу аппаратни камида 40 процент қисқартиришни таклиф қилмоқдалар. Тартибга солиш соҳасида катта иш ўтказишга тўғри келади. Биз бу ишни бошладик, уни ўтказаверамиз.

Юқори эшелонга келганда, бу масала ҳал этилган. Ўрта ва қуйи эшелонларда — областлар даражасида ва бевосита ишлаб чиқариш бирликларида бу иш 1986—1987 йилларда амалга оширилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Краснодар ўлкасининг партия активлари билан учрашди.

Учрашув чоғида ўлканинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга халақит бераётган мавжуд муаммолар қизғин муҳокама қилинди. Жумладан, Усть-Лабинский районидаги «Кубань» колхозининг комплекс бригадаси бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. И. Клепиков** қишлоқ хўжалик техникасининг сифатини ошириш зарур, деган масалани ўртага қўйди. Биз яхши техника кутяпмиз, деди бригадир. Бу техника оз бўлса-да, аммо яхши ва пишиқ-пухта бўлсин. Биз Сифат белгиси қўйилган янги комбайн олдик. Аммо биз уни қисмларга ажратиб, ҳаммасини кўздан кечириб тартибга соляпмиз, акс ҳолда уни ишлатиб бўлмайди. Бу гап ҳамма машина-механизмларга, уларнинг ҳамма маркаларига ҳам тааллуқлидир. Комбайнни оламиз-у, уни қайтадан кўздан кечириб, тартибга солишга, қайтадан созлашга киришамиз.

**М. С. Горбачев:** Сифат белгисига етказиб оляпмиз денг?

**М. И. Клепиков:** Ҳа, Сифат белгиси даражасига ўз устахонамизда етказиб оляпмиз. Шу тариқа биз вужудга келтирган бутун бир ремонт индустрияси асосида Кубаннинг ўзида бир неча завод барпо этиб, ўз техникамизни ишлаб чиқаришимиз мумкин.

**М. С. Горбачев:** Тўғри.

**М. И. Клепиков:** Михаил Сергеевич, мен Сизга айтсам, сифат масаласи, эҳтимол, ҳамма масалалардан муҳим бўлса керак. Ҳар қандай маҳсулотнинг сифатини ҳар жиҳатдан ошириш учун одамлар билан ишлаш керак, саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам.

**М. С. Горбачев:** Михаил Иванович, Сиз дейман, қишлоқ хўжалигига, аграр саноат комплексигагина эмас, бутун мамлакатга тааллуқли масалани кўтараяпсиз-ку.

**М. И. Клепиков:** Бутун мамлакатга тааллуқли бу масала.

**М. С. Горбачев:** Тимашевский районининг ходимлари билан бўлган суҳбатларга қараганда, ҳозир колхозлардан маҳсулот қабул қилишнинг қаттиқ тартиби жорий этилибди. Буни бўшаштирмаслик керак, деб ўйлайман, чунки бу ўринда гап маҳсулотлар ҳақида, халққа бериладиган озиқ-овқат тўғрисида бормоқда. Ҳозир ҳамма сифатга эътибор бераётганлиги жуда соз. Аммо қишлоқ хўжалигига маҳсулот етказиб бераётганларга нисбатан ҳам мана шундай талабчанлик керак. Машиналар сифатли, комплектли бўлсин, машина системалари, машина ва ўғитларнинг керакли турлари етказиб берилсин, зарур рецептларга мувофиқ омихта ем тайёрлансин, ҳоказо ва ҳоказо. Ҳаммага — қишлоққа ҳам, қишлоқ учун буюртмаларга ҳам мана шундай талаблар қўйиладиган пайт келди, деб ўйлайман.

**М. И. Клепиков:** Ҳозир талаб бир томонлама бўляпти.

**М. С. Горбачев:** Мен ҳам шуни ўйлаб турибман, бу ерда ҳозир бўлган ахборот воситаларининг вакилларидан бизнинг гапларимизни етказишларини сўраймиз. Буни ҳамма эшитсин. Бу гап кимга тааллуқли бўлса, хулоса чиқариб олади. Озиқ-овқат проблемаси — умумхалқ вазифаси. Буни шунга муносиб равишда ҳал этиш керак.

Активлар йиғилишида **М. С. Горбачев** нутқ сўзлади.

* * *

Тушдан кейин М. С. Горбачев Ставрополга келди. Аэродромда уни ўлка партия комитетининг биринчи секретари И. С. Болдирев, ўлка ижроия комитетининг раиси И. Т. Таранов, ўлка партия комитети бюросининг аъзолари кутиб олдилар.

М. С. Горбачев В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган ставрополликлар шарафига ўрнатилган монумент пойига, шунингдек Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамони, армия генерали И. Р. Апанасенко ҳайкали пойига ҳам гуллар қўйилди.

Кўчаларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Ставрополь меҳнаткашларининг учрашувлари бўлиб ўтди.

Шаҳарнинг марказий майдонида одам кўп тўпланганидан М. С. Горбачевнинг минбарга чиқишига тўғри келди.

Бош секретарь йиғилган кишиларга мурожаат этиб, Ставрополга келиш йўлида меҳнаткашлар билан муҳим учрашувлар бўлганини айтди. Бепоён мамлакатимизнинг қайси республикасида, қайси шаҳрида бўлмайин, одамларнинг кайфияти ўзгараётганини ҳис этдим, деди М. С. Горбачев. Бутун жамиятимиз ҳаракатга келди. Сиёсатимиз мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларни ҳаққоний баҳолаш асосида бениҳоя ойдинлашди. Бу сиёсатда ўтмиш авлодларнинг тажрибаси ҳамда мамлакатимизда экономикада, социал соҳани, демократияни ривожлантириш, совет турмуш тарзини қарор топтириш борасида қилинган ишлар эътиборга олинди. Бу шундай бир база бўлдики, биз унга қаттиқ таяниб, нуқсонларимизни ҳам, ютуқларимизни ҳам баҳолашга ва келажак учун реал сиёсатни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Аммо бу сиёсат бизнинг зўр куч-ғайратларимизга, партиянинг зўр куч-ғайратларига мўлжаллаб ишлаб чиқилган, партиямиз белгиланган режаларнинг ҳаммаси турмушга татбиқ этилиши учун кўп иш қилиши керак.

Бироқ мамлакатимиздаги энг асосий куч-одамлардир. Агар одамлар шу сиёсатни бажонидил қўллаб-қувватласалар, биз ўйлаб қўйган режаларимизнинг ҳаммасини албатта рўёбга чиқаришимизга бўлган ишончим тобора кўпроқ мустаҳкамланади.

Бизда муаммолар, жуда зарур муаммолар бор. Уй-жой, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, маориф ва ниҳоят, демократия муаммолари бор. Халқимиз ўзини хўжайин, деб ҳис қилиши керак. Модомики, шундай экан, у катта ва кичик уйда, бу уй яхшироқ безалиши, мукаммаллашиши учун ҳамма ишни қилади. Унда ҳаво ҳам, муҳит ҳам оромбахш бўлиши, унда ҳузур қилиб яшаш ва ўзини одамдек ҳис этиши мумкин бўлади. Бизнинг мана шундай уйимиз — Совет Иттифоқи.

Биз ҳозир баҳслашаяпмиз, эҳтимол, баъзан ҳатто хафалашяпмиз ҳам. Аммо, асосан баҳслашяпмиз, у ёки бу масалалар юзасидан — ҳам экономика, ҳам социал ишлар юзасидан, демократия, жамиятнинг маънавий муҳити масалалари юзасидан ҳам ўз мулоҳазаларимизни айтяпмиз. Бу — нормал ҳол, чунки биз ҳамма ишни шу пайтгача бўлганидан кўра яхшироқ қилишга, йиғилиб қолган ҳамма ишкалликлардан халос бўлишга қарор берганмиз.

Биз ишчилар билан суҳбатлашдик. Ўтмишни эсладик. Фронтчилар қандай қайтиб келганликларини, уларда мамлакатни қайта тиклаш иштиёқи зўр бўлганлигини эсга олдик. Биз шу урушдан кейин 25 йилда ва ҳатто 50 йилда ҳам қаддимизни ростлаб ололмаслигимизни каромат қилган эдилар. Биз қаддимизни ростлаб олдик. Қаддимизни ростлаб олиш билангина чекланмадик. Мамлакатимизнинг имкониятларини ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам социал соҳаларда бир неча бор кўпайтирдик. Биз қаддимизни ростлаб олиб, шахдам одим ташлай бошладик.

70—80-йиллар маррасидаги бизнинг ҳаракатимизда тўхталиш содир бўлди. Динамикани йўқотдик, баъзи бировлар сусткашликка, беғамликка, бўшашувчанликка кўникиб қолди, ҳамманинг ўртасида — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар орасида, партия ва давлат аппаратида тартибнинг, тузукроқ интизомнинг йўқлиги баъзи бировларга мақбул эди. Аммо буларни бартараф этиш учун бизнинг ихтиёримизда ҳамма нарса бор. Халқимизнинг, партиямизнинг дунёда биринчи янги жамият қуриш соҳасидаги жуда катта тажрибаси бор. Дунёдаги энг қудратли илм-фанга ҳам, жуда катта ресурсларга ҳам эгамиз. Биз мамлакатимизни юксалтириш учун ҳамма нарсаларга эгамиз, бинобарин биз бугун ўтган ҳамма авлодларнинг ва ҳозирги авлоднинг меҳнати туфайли барпо этилган мана шу базага таяниб катта қадам ташлаб олға боришимиз, ҳамма масалаларни жўшқин олға силжитишимиз мумкин. Фақат бунинг учун халқ шу ишларнинг ҳаммасини ўз қўлига олиши зарур. Шунинг учун бизга кенг демократия керак.

Мен демократия ҳақида гапирганимда, бунда сафсатабозлар, юлғичлар, юмалоқ хат ёзувчилар корчалонлик қила бошлайдилар, деган маъно асло келиб чиқмайди. Йўқ! Демократия — аввало бизнинг ақли расо, омилкор, ўқимишли ишчилар синфимиз, катта тажрибага эга бўлган ва хўжаликни коллектив тарзда бошқаришга ишончи комил деҳқонларимиз, ишчи ва деҳқонлар орасидан етишиб чиққан, ўзида зўр интеллектуал потенциални жамғариб олган зиёлиларимиз ўзларининг ҳамма имкониятларини рўёбга чиқаришлари демакдир.

Шу сабабли советлар, партия органлари, жамоат ташкилотларининг ишидаги экономикага ёндашувларни ўзгартириш керак. Одамлар хўжайин бўлишлари керак. Биз ҳаммасини ҳал этамиз, ҳамма иш юришиб кетаверади. Энг муҳими мана шу, ўртоқлар!

Агар қайта қуриш ҳақида гапирадиган бўлсак, бу иш одамлар ўзларини хўжайин деб ҳис қиладиган бўлишларига олиб бориши лозим.

Мен съезддан кейиноқ бир совхоз бригада партия ташкилотининг секретаридан хат олдим. У бундай деб ёзибди: Михаил Сергеевич, мана мен ҳамма кунлар давомида съездни телевидение орқали кўрдим. Кейин докладни ўқиб чиқдим. Биласизми, менда нимадир қилиш керак, деган туйғу пайдо бўлди. Совхоз директорига бориб кўпдан бери анчагина таклифларим тўпланиб қолган, деб айтдим. Бўлим партия ташкилотининг секретари сифатида хўжалигимизда қандай муаммолар борлигини сизга айтмоқчиман,— дедим. У менга нима деди денг: бор, ўз ишингни қилавер, деб айтди. Демак, съезддан аввал совхозда ва мамлакатда рўй бераётган ишларни менинг ишим эмас, деб ҳисоблашган бўлса, съезддан кейин ҳам, буни қарангки, яна менинг ишим эмаслигича қолаверибди.

Бригадир жуда тўғри фаҳмлапти, съезд муҳити унга илҳом берган, шу сабабли у директор ҳузурига борган. Худди булар бизнинг мамлакатимизда эмас, дунёнинг бир четида, қандайдир бошқа давлатда рўй бераётгандек бўлиб чиқибди.

Хатнинг автори тўғри ёзган. Энди жамият кечагидек яшашимизга, кечагидек иш тутишимизга, кечагидек ножўя ишларга тоқат қилмайди. Жамият олға боради. Сиёсий бюрода, Марказий Комитетда, Совет ҳукуматида барча раҳбарлар состави тўла якдилдир. Халқнинг қўллаб-қувватлаши — бизнинг энг катта умидимиздир. Сизлар қабул этилган чора-тадбирларни, партиямизнинг йўлини табриклаётганингизни мен борган жойларимнинг ҳаммасида — мамлакатимиз шаҳарлари ва республикаларида буни ҳис этдим. Бу биз ҳамма қийинчиликларни бартараф қила олишимизнинг энг асосий шарт-шароитидир.



СУРАТДА: М. С. Горбачевнинг Ставрополь шаҳар Ленин майдонида меҳнаткашлар билан учрашув пайти. (ТАСС телефотоси).

**А. БЕЛИКОВ,**
**В. ЖИЛЯКОВ,**
**Н. СТЯЖКИН,**
**ТАСС махсус мухбирлари.**

## МАШҒУЛОТЛАР ТУГАДИ

Тошкент Олий партия мактабининг партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида янги ўқув йилида биринчи тингловчилар группаси машғулотлари тугади. Уларнинг составида Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон республика ва область газета-журналлари редакторларининг ўринбосарлари ҳамда бўлим мудирлари, шаҳар, район газеталарининг редакторлари, республика, область телевидение ва радиоэшиттириш комитетлари раисларининг ўринбосарлари, бош редакторлари бор эди.

Машғулотлар чоғида партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг қарорлари асосида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш проблемалари, ҳозирги босқичда партия ташқи ва ички сиёсатининг асосий мақсадлари ҳамда йўналишлари ўрганиб чиқилди.

Машғулотлар чоғида оммавий информация ва пропаганда воситаларининг ҳозирги замон талабларига мувофиқ ўз фаолиятларини қайта қуриш борасидаги вазифалари кўриб чиқилди. Ўқув программасида идеология ишининг жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишни кўзловчи форма ва методларини такомиллаштириш масалаларига, фан-техника революцияси шароитларида инсон омилини ёритишда матбуотнинг ролига катта ўрин берилди.

Тингловчилар республика газеталари ва журналлари редакцияларининг иш практикаси билан танишдилар. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий шартидир» мавзуида, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида «В. И. Ленин — журналист» мавзуида комплекс машғулотлар ўтказилди.

Тингловчилар орттирилган иш тажрибаларини бирбирлари билан баҳам кўрдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, республика газеталари ва журналларининг редакторлари, республиканинг олимлари тингловчиларга лекциялар ўқидилар.

(ЎзТАГ).

## ХИРУРГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

19 сентябрь куни Тошкентда ўз ишини якунлаган хирургларнинг XXXI Бутуниттифоқ съездида илмий изланиш ва аҳолига хирургия ёрдами кўрсатишнинг комплекс программаси қабул қилинди. Бу программага кўра, жумладан, клиникалар ҳузурида ихтисослаштирилган йирик бўлимлар очиш, врачларнинг касб тайёргарлигини тубдан яхшилаш, медицина практикасига фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларини жорий этиш назарда тутилади.

Хирурглар Бутуниттифоқ илмий жамиятининг янги состави сайланди. Жамият раислигига яна академик Б. В. Петровский сайланди. ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда у қуйидагиларни таъкидлади:

— Тошкентда КПСС XXVII съезди талаблари асосида бутун хирургия хизматини қайта қуриш йўллари хусусида иш манфаатларини ўйлаб, очиқ-ойдин гаплашиб олинди. Эришилган муваффақиятларга қарамай, хирургия хизмати эндиликда анча яхшиланиши лозимлиги рўй-рост кўриниб турибди. Жуда катта касалхона фондидан интенсив фойдаланиш йўли ишлаб чиқилди, медицина практикасининг биринчи навбатдаги вазифалари билан мустаҳкам боғланган тадқиқотларнинг бош йўналишлари белгиланди, оператив даволашнинг прогрессив методикаларини тезроқ жорий этиш, янги асбоблар ва приборлардан кенг фойдаланиш йўллари аниқлаб олинди.

## ЯНА УЧРАШГУНЧА ХАЙР, ДЎСТЛАР!

19 сентябрь куни Самарқандда совет ва афғон ёшлари дўстлик фестивали ниҳоясига етди. Беш кун давом этган фестиваль йигит ва қизлар учун чинакам байрам бўлди. Завод цехларида ва студентлар аудиторияларида, кўчалар ва майдонларда фестиваль меҳмонлари қувончли учрашувлар, табассум ва гуллар, дўстона қўл олишувлар билан кутиб олиндилар.

Самарқандда фестиваль қатнашчилари қадимий шаҳарнинг тарихий ва меъморий ёдгорликлари билан танишдилар. Новвойларнинг бу ерда ўтказилган республика конкурсида йигит ва қизлар машҳур Самарқанд нонларини тайёрлаш сирлари билан ошно бўлдилар. Ёш афғонистонликлар Совет Иттифоқидаги тенгдошлари билан биргаликда область совхозларидан бирида пахта теримида қатнашдилар. Иккала мамлакат ёшларининг анжумани фестиваль қатнашчиларининг катта байрам концерти билан ниҳоясига етди. (ЎзТАГ).

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

КПСС XXVII съездининг қарорлари ва мактаб ислоҳоти талаблари асосида умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш масалалари 19 сентябрь куни Тошкентда очилган республика илмий-амалий конференцияси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Конференцияда фан асосларини ўқитишни такомиллаштириш, йигит ва қизларга билим бериш жараёнида коммунистик қараш ва эътиқодни шакллантириш проблемаларига катта эътибор берилди. Нутқларда ўқувчиларни атеистик руҳда тарбиялашни кучайтириш, уларда актив ҳаётий позицияни тарбиялашнинг муҳимлиги уқтириб ўтилмоқда.

(ЎзТАГ).

